



Таиланднинг Пхукет шаҳри мезбонлик қилган Жаҳон кубоги баҳслари нихоясига етди. Париж Олимпиадаси томон муҳим имкониятни берувчи ушбу нуфузли мусобақада сайёраимизнинг 110 давлатидан 500 нафарга яқин полвон ғолиблик учун баҳс олиб борди.

АКБАР ЖЎРАЕВ МУТЛАҚ ЧЕМПИОН

12 кун давом этган мурасасиз баҳсларда эркеклар ўртасида 12 та, аёллар ўртасида эса 9 та жаҳон рекорди янги-ланди.

Мусобақада Ўзбекистон эркеклар терма жамоаси 3 та олтин ва 1 та бронза, жами 4 та медални қўлга киритиб, медаллар жамланмасы бўйича КХДР, Хитой ва Арманистондан сўнг 4-ўринни банд этди.

Ушбу натижага эришишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг спортчиси Акбар Жўраевнинг ҳисаси катта бўлди. У 109 кг. вазн билан, даст кўтаришда 189 кг., силтаб кўтаришда 227 кг., умумий - 416 кг. оғирликни ўзига бўйсундириб, 3 та олтин медал соҳиби ҳамда мутлақ чемпионлиқни қўлга киритди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг яна бир спортчиси Шарофиддин Амриддинов эса даст кўтаришда 170 кг. оғирликни ўзига бўйсундириб, бронза медали соҳибига айланди.

Мазкур мусобақада муваффақиятли қатнашган спортчилар Париж Олимпиадаси лицензиясини қўлга киритиш учун муҳим рейтинг очколарини ўз ҳисобига ёзириб қўйишди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

• Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК

Давлатимиз раҳбарининг
Жиззах вилоятига
ташрифи ҳудуд аҳлини янги
марраларга ундамоқда



3-саҳифада ўқинг...

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАР УЧУН ВЕЛОСИПЕДЛАР

Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Фарғона вилояти кенгаши ҳамкорлигида шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган 30 нафар патронаж ҳамширага велосипед топширилди.

– Бугунги тадбир патронаж ҳамширалар фаолиятини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида ташкил этилди, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Бобур Примқулов. – Ўйлаيمизки, бу вилоят аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Жойларда патронаж қамрови сифатига тус бериш, аҳолининг барча қатламига ҳамширалик ёрдами кўрсатиш, тиббий маданиятни юксалтириш каби ишларнинг янги маҳалла мезон ва таъсирчан усуллари жорий этилиши соҳадаги ислохотларнинг устувор вазифаларидан биридир.

Бундан буён ҳамширалар қаҳриқларга аввалгидан тезроқ етиб боради. Ўз навбатида, патронаж хизмати ҳам яхшиланади.

Шоҳидаҳон КАРИМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси



Қўлайлик



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 апрель кунини Катар Давлати Бош вазири, ташқи ишлар вазири шайх Мухаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Умон Султонлиги ташқи ишлар вазири Бадр бин Хамад ал-Бу-сайдий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувейт Давлати ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яхё бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфраструктура вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бахрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Абдуллатиф бин Рашид ал-Заяний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувейт Давлати ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яхё бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамовни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош қотиби Жасим бин Мухаммад ал-Бу-дайвийни қабул қилди.

Пойтахтимизда «Марказий Осиё – Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» форматидagi ташқи ишлар вазирларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Бахрайн, Катар, Кувейт, БАА, Умон ва Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлари иштирок этди. Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жейхун Байрамов Фахрий меҳмон сифатида қатнашди.

Президентимиз Сайхун-обод туманидаги «Пахтакон» маҳалласида яшовчи миришкор боғбон Турсунбой ота Ариповга Тракег автомашинасини совға қилди.

– Президентимизнинг туманимизга ташрифи менинг ҳаётимда энг бахтли, эсда қоладиган кун бўлди, – дейди Турсунбой ота. – Ташриф чоғида Ўртоқимиз менга маҳалладаги ўзим етиштирувчиларга мураббийлик қилишни айтиди. Энди маҳалламиз ахли ўзумчилик билан шуғулланади. Ҳамқишлоқларимга бу борада қўлимдан келганича хизмат қиламан.

Келгуси сонларда ўқинг...

БЕПАРДАЛИК ФАЗИЛАТ ЭМАС



СОХТА БАЁННОМА ҲАВҒОСИ



ЁЗУВЧИ ЖОСУСЛАР





Қорақалпоғистон Республикаси

«Яшил макон»

Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган болалар оромгоҳларида баҳорги кўчат экиш, ободонлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

ОЛАМ ҒЪЗАЛЛИККА БУРКАНСИН

Жумладан, «Оқ кема»да 940 та, «Орол болалари»да 240 та, «Оқ кабутар»да 302 та, «Айдин жол»да 300 та, шунингдек, «Турон» оромгоҳида 870 та, «Орол» оромгоҳида 132 тупдан зиёд мевали, манзарали кўчатлар қадалиб, ифорга бой анвоий гуллар экилди. Теварак-атроф, йўлақлар тозаланиб, янгича тусга кирди. Кези келганда мазкур ташаббусда оромгоҳлар ходимларининг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ бўлганини таъкидлаш ўринлидир. Ободонлаштириш ишлари ушқоқлик билан ўтгани боис ҳудуд ғўзалликка бурканди.

Сатбай ОТЕУЛИЕВ,

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Қорақалпоғистон бошқармаси бошлиғи

Тошкент шаҳри

Семинар



МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ МАВЗУСИДА

Учтепа туманидаги 81-умумтаълим мактабида «Таълим муассасаларида иш берувчи ва ходимлар ўртасида меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Учтепа тумани кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунча берилди. Хусусан, ходимларнинг меҳнат таътили, ўриндошлик асосида ишловчилар билан тузиладиган меҳнат шартномаси, ҳомилдорлик ёки туғиш таътилидаги аёллар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор шахслар, уч ёшгача фарзанд тарбиялаётган оналар ва уларга бериладиган имтиёзлар, муддатли меҳнат шартномаси қачон ва қандай вазиятларда тузилиши каби қатор масалалар борасида сўз юритилди.

Семинар мобайнида ечимини қутаётган қатор масалалар муҳокама қилиниб, ижобий ҳал этилди.

Амир АХМЕДОВ

Тошкент вилояти

Ички туризм

УСТОЗЛАР САЁҲАТДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан туман ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагогларнинг мароқли дам олишнинг таъминлаш мақсадида «Самарқанд бўйлаб саёҳат қил!» шiori остида ички туризм тадбири ўтказилди.

Сайёҳаракатлар тасдиғи ўлароқ, вилоят бўйича 53 нафар соҳа ходимининг диққатга сазовор масканларга саёҳатлари ташкил этилди. Устозлар кўҳна шаҳарнинг тарихий қадамжолари, зиёратгоҳ ва обидалари билан яқиндан танишишди. Айниқса, Конигил туризм кишлоғидаги Самарқанд қоғози ишлаб чиқарилиш жараёни, зиғир мойи ҳеч қандай техникаларсиз инсон қўл меҳнати орқали олиниши ўзгача қизиқниш уйғотди.

Ушбу туристик саёҳат барчада чуқур таассурот қолдирди.

Равшанои ГАЗИЕВА,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Хоразм вилояти

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ўзгаришлар, унда касаба уюшмаларининг ўрни ва вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Г.Қурбонбоева, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Ш.Аллаберганов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Р.Султонхўжаев ходимларга муносиб иш ва дам олиш шартлари яратишда касаба уюшмаларининг фаол иштироки, ҳамкорликдаги чора-тадбирлар аҳамиятига алоҳида тўхталишди.

Тадбирда бошқарма раҳбарияти ҳамкорлик ҳар томонлама самарали бўлаётганини эътироф этиб, касаба уюшмаларига миннатдорлик билдирди. Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши ва вилоят ички ишлар бошқармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Руслан БОБОЖОНОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари



Ҳамкорлик



Бухоро вилояти

ТУРСУНБИБИ АЯ ДУОГА ҚЎЛ ОЧДИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Вобкент тумани кенгаши ташаббуси билан тумanning «Истиқлол» маҳалласида истиқомат қилувчи Турсунбиби аянинг ҳолидан хабар олинди. Онахонга касаба уюшмаларининг совға-саломлари, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.



90 ёшни қаршилаган Турсунбиби ая имконияти чекланган набираси билан бирга яшайди.

– Кўп йиллар жамоа хўжалигида ишладим, – дейди у. – Уша кезлари етишмовчилик кўп эди. Техника тақчиллиги сабаб ерга ишлов беришга

аёллар ҳам жалб қилинарди. Етиштирилган пахта қўлда териб олинар, от араваларда пунктга олиб бориларди. Пахта йиғими тугагач, навбат кўсақ чувишга келарди. Кун бўйи ғўзаларда қолиб кетган кўсақларни териб олардик-да тонг отгунча ичидаги пахтасини

суғуриб олиш билан шуғулланардик. Аммо ўтган ҳаётимга сира ачинмайман. Инсон қадрланадиган замонларни кўриш насиб этганидан жуда хурсандман. Мана, сизлар доим ҳолимдан хабар оласизлар. Бундан ташқари яна кўплаб мутасадди ташкилот ва идоралардан вакиллар байрамлар, мукаддас ойларда мени йўқлаб туришади.

Турсунбиби ая меҳмонларнинг ташрифидан боши осмонга етганини билдириб дуога қўл очди: мустақиллигимиз, тинчлик-хотиржамлигимизга кўз тегмасин. Фаровон ҳаётимиз бундан-да гуллаб-яшнаверсин. Президентимиз дунё тургунча турсин. Сизлар мени йўқлабсиз, Яратган эгам сизларни йўқласин!

Биз ҳам онахонга сихат-саломатлик, ёшига ёш қўшилишини тиладик.

Ойбек РАҲМОНОВ,

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси
Нусрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Вобкент тумани кенгаши раиси

БИЛИМ ВА МАЛАКА – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ



Бугун мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори касаба уюшмаларида ҳам янги давр бошланди. У самарали меҳнат қилиш орқали ишчи-ҳодимларнинг касбий, меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шартнонларини яратиш, ҳаётдан рози қилишни талаб этмоқда.

Тизимда соҳа ходимларини ўқитиш ва малака оширишлари масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малака ошириш курсларининг галдагиси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги туман, шаҳар кенгашлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари иштирокида Андижон вилоятида жойлашган «Хонобод» сихатгоҳида ташкил этилди.

Ўқувлар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова ҳамда Федерациянинг Фарғона вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири Абдор Отабоев томонидан олиб борилди.

Очик осмон, сўлим табиат қўйнида ўтказилган машғулотларда «Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш тўғрисида»ги, «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисида»ги, «Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил қилиш тўғрисида»ги, «Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларидаги мавжуд ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш тўғрисида»ги, «Меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш тақдиримасини қўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги ҳамда «Мурожаатлар билан ишлаш самардорлигини ошириш тўғрисида»ги мавзулар асосида ўтказилди.

Интерактив усуллар ва қизғин фикр алмашишлар асосида ўтган жараёнларда иштирокчилар фаол қатнашиб, ўз мулоҳазалари, тажриба ва тақлифларини ўртага ташлашди. Шунингдек, иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда «Ҳисобот-сайлов йиғилишига делегатларни сайлаш», «Ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик



қўриш», «Ҳисобот-сайлов йиғилишини олиб бориш тартиби» ҳамда «Ҳисобот сайлов йиғилишининг ҳужжатларини расмийлаштириш» мавзулари бўйича тақдимот тайёрладилар. Бундан ташқари, гуруҳлар «Ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорини расмийлаштириш», «Умумий йиғилиш қарорини тўғри расмийлаштириш» ҳамда «Касаба уюшма кўмитаси йиғилишини расмийлаштириш тўғрисида»ги тақдиротларни ҳам намойиш этишди.

Ўқувлар давомида «Заковат» интеллектуал ўйини орқали соҳа ходимларининг билимлари синондан ўтказилди. Улар даволаш муолажаларини қабул қилишгани ҳам аини муддао бўлди. Шунингдек, маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, концерт дастурлари ташкил этилди.

Иштирокчиларнинг тақлиф ва тавсиялари тингланиб, олган билимлари тест синовлари орқали мустаҳкамланган ўқув курси якунида уларга сертификатлар топширилди.

Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ, журналист

СЎЗ - ИШТИРОКЧИЛАРГА

Лолахон АХМЕДОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

– Республикамызда амалга оширилаётган кенг қўламли ис-



лохотларда касаба уюшмалари юқори чўққиларни кўзла-ган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Зеро, юрт тараққиётида малакали ва ватанпарвар кадрларнинг ўрни бекиёсдир. Шу боис биз мунтазам равишда қўйи бўғинда фаолият олиб бораётган ходимларнинг билимларини ошириб боришига алоҳида эътибор қаратамиз.

Ўйлайманки, бу галги ўқувлардан ҳам иштирокчилар иш жараёнида асқатадиган кўплаб янгиликларга эга бўлишди.

Абдор ОТАБОВЕВ,

Касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири, тренер:

– Интерфаол усулларда ўтказилган ўқувлар жараёнида семинар иштирокчиларига меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, миллий ва халқаро меҳнат стандартлари юзасидан зарур маълумот ва тушунтиришлар берилди. Мухими, тингловчилар фаолиятларининг устувор йўналишлари бўйича ўзларини қизиктирган барча саволларга жавоб олишди.



Дилоромхон ТОШПЎЛТОВА,
Олтиариқ туманидаги 39-мактаб бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси:



Фаррухбек ПЎЛАТОВ,

Сўх туманидаги 14-мактаб бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси:

– Мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қўлайликлар муҳайё этилган «Хонобод» сихатгоҳида ўқш ва хордик чиқариш билан бирга бетакрор табиат манзараларидан завқ олдик. Унинг энг сўнгги замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлангани бизга жуда манзур бўлди.



